



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 25 май, № 102 (5269)

Чоршанба

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Термиз шаҳрининг жамоли ҳам мустақиллик йилларида кескин ўзгарди.

Истиқлол даврининг муҳим ютуқларидан бири шуки, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кун сайин чирой очмоқда. Жумладан, Ўзбекистонимизнинг жанубдаги дарвозаси саналган қадим



### БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ШАҲРИ

Барча мавзелада қад кўтарган маҳобатли бинолар, кўп қаватли уйлар, маиший хизмат ва савдо нуқталари, ёш келин-куёвлар учун қурилган мухташам "Бахт уйи" шаҳар куркига янада кўрк қўшди. Президентимиз "Барқамол авлод — 2011" спорт байрами олдидан ушбу шаҳарга қилган ташрифи чоғида "Термизнинг мамлакатимиздаги ҳеч бир шаҳардан кам жойи йўқ. Биз Термизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирамиз", дея алоҳида таъкидлади.

камол бўлиб вояга етиши учун юртимизда кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди, — дейди бу ердаги тиббиёт коллежи директори Урол Ҳамроев. — Хусусан, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларининг "Барқамол авлод — 2011" спорт ўйинлари бўлиб ўтган жорий йилда шаҳримиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. 10 минг томошабинга мўлжаллаб қурилган "Сурхон" спорт мажмуаси, Олимпия захиралари, иқтисодий, педагогика коллежларининг қўрқам ва шинам бинолари, Термиз давлат университетининг янги

ўқув корпуси, "Алпомиш" стадиони, "Дельфин" сузмиш ҳавзаси, "Кураш" мажмуаси, замонавий теннис корти шахримиз чиройини очиб юборди. Айниқса, шаҳар кўчалари таъмирлаш ва реконструкциядан сўнг таниб бўлмас даражада ўзгарди. Спорт байрами баҳона Термиз ҳам гуллар шаҳрига айланди.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларк 24 май куни Тошкент шаҳар, Сергели тумани ҳокимлиги ҳузурдаги "Ягона ойна маркази" фаолияти билан танишди.

### ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Сергели тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида давлат бошқарувида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш йўналишида амалга оширилган лойиҳа асосида 2010 йилнинг апрель ойида "Ягона ойна маркази" ташкил этилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига оид 30 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилмоқда, яна 8 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. "Ягона ойна маркази" ана шундай лойиҳалардан биридир. Мазкур марказни ташкил этишдан асосий мақсад — аҳолига халқаро тажриба асосида Ўзбекистон талабларига мос келадиган ахборот-мааслаҳат ва интерфаол хизматлар курсатишдан иборат. Марказ Сергели тумани аҳолисига ижтимоий таъминот, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, иш билан таъминлаш, мулк ва ер кадастри, коммунал хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш ишлари каби йўналишларда хизматлар тақдим этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ИЖРО ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим шarti

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари қаторида давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида мустақамланган давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ҳокимият, жойларда вакиллик ҳокимияти органлари ваколатларини янада кенгайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Чунончи, 2005 — 2010 йилларда икки палатали миллий парламенти шакллантирилиб, самарали фаолият юритишда, илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини ағзаллаб турган Вазибалар Мақамасига ўтказилди. Вазибалар Мақамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди, Конституциянинг 98-моддасида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилиди. Бугунги кунда Конституцияимизнинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат бошқарувида ва давлат ҳокимияти органларининг келишидан

ҳолда фаолият юритишнинг ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазибалар Мақамасига ўтказилди. Вазибалар Мақамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди, Конституциянинг 98-моддасида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилиди. Бугунги кунда Конституцияимизнинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат бошқарувида ва давлат ҳокимияти органларининг келишидан

(Давоми 2-бетда).

### Семинар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият курилши академиясида журналистлар учун ўқув семинари бўлиб ўтди.

### Ислохотлар ОАВ нигоҳида

Унда босма, телерадио, интернет нашрлари вакиллари, бир гуруҳ олимлар, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган академия ректори Қ. Назаров, Журналистлар ижодий уюмаси раиси Ш. Гуломов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда мислсиз ютуқ ва муваффақиятларга эришилаётганини, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам сиёсий-ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий юксалишимиз асоси бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этишди. Шу билан бирга, жамиятимизда демократик жараёнлар изчил давом этаётгани, айниқса, ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларининг одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини, ғояларини, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан муносабати, нуқтаи назарини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга жиҳдий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда 1200 тадан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда мазкур соҳага оид 10 дан зиёд қонунлар қабул қилинган. Журналист меҳнатининг қадри кундан-кунга ошиб бормоқда. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам", "Йилнинг энг яхши журналисти", "Энг улғу, энг азиз" каби танловлар журналистикамик вакиллари қўллаб-қувватлашда, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда).

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

24 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф қилган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини кўриб чиқишга киришди.

Дастурнинг мақсади ушбу ниҳоятда муҳим Қонуннинг қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилашдан иборат бўлиб, уларнинг рўёбга чиқарилиши ижро этувчи органларнинг қабул қилинган қонун

ҳужжатларини сўзсиз бажариш борасидаги фаолияти устидан назорат қилиш борасида қонун чиқарувчи органнинг аҳамияти ва ролини оширишда, ваколатларини чинакамга кучайтиришда жиҳдий омил бўлади. Хусусан, Дастурда жадал ҳал эти-

саларини тартибга солуви қонунларнинг айрим қоидаларини аниқлаштиришга қаратилган «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш

лик йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида парламент эшитувларини ўтказиш ҳам назарда тутилган.

Фракцияларнинг тақлифига кўра, Дастурга парламент эшитувлари доирасида вазириликлар ва идоралар раҳбарларининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси ақунари тўғрисида»ги, «Коллежалар битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ иш билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳолати тўғрисида»ги, «2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш Дастурини бажаришнинг бориши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг ҳолати: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги каби масалалар ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳисоботлари киритилган.

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

лиши лозим бўлган ўта муҳим вазифалардан бири сифатида парламент назорати шакллари амалга ошириш механизмининг ва бунинг ҳуқуқий оқибатларини, парламент назорати субъектлари билан ижро этувчи ҳокимият органларининг бир-бирига ҳаракат қилиши тартибини назарда тутувчи «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини, шунингдек, парламент палаталарида бюджет лойиҳасининг муҳокамадан ўтиши жараёнини такомиллаштиришга, бюджет жараёнини ва бошқа ма-

тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи бўйича, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришга доир қисмида белгиланган қоидалар ва вазифаларни амалга ошириш борасида ҳукумат томонидан қўрилаётган чоралар тўғрисида, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

Кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги янгиланишлар, кўп жиҳатдан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги билан боғлиқ.

### КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим тарбия бериш, илғор ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишига кўмаклашиш бугунги ислохотлардан кўзланган пировард мақсаддир.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим тизимида туб бурилиш ясаши, шубҳасиз. Ушбу тизимда ишлаб келаётган мутахассис сифатида айтадиган бўлсам, ёшлар келажакига, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига дунёнинг ҳеч бир мамлакатига биздагидек юксак эътибор берилмайди.

Қарорда олий таълим муассасаларининг

### Дил сўзи

қамраб олинган. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси бири-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади. Қарордан келиб чиқиб амалиётга жорий этиладиган сый-ҳаракатлар ёшларимизнинг фанларни чуқур ўзлаштиришда қулай шарт-шароитга эга бўлиши, спорт билан шугулланиши ёки тураржойда кўнгилдагидек ҳордик олиши, пировардида таълим сифатини яхшилаб, юқори малакали мутахассисларни тарбиялашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

### ТАШАББУСКОРЛИК, ФИДОЙИЛИК

фуқаролар йиғинлари раисларига билдирилдиган ишончининг асосий омилдир

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчлари сайловлари қизгин давом этмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги 1020 та фуқаролар йиғинининг 904 тасида ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирлар қонунийлик, адолат, очкилик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказилди. Уларнинг маҳалласи истиқболни янги сайланаётган оқсоқол ва уларнинг маслаҳатчилари интилишида кўрган фуқаролар ушбу жараёнларда фаол иштирок этаётганлиги, айниқса, эътиборлидир. Риштон туманидаги "Хуррамобод" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Хуррамобод — каттагина қишлоқ. Бу ерда салкам тўрт минг аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқда сайлов аҳоли фаоллигида, уюшқоқлик билан ўтказилди. Оқсоқолликка бири-бирдан қолишмайдиган, маҳалла учун елиб-юғурдиган номзодлар кўрсатилган. Сайловчилар бу гал ҳам Сайфиддин Иноятова ишонч билдиришди. Гап шундаки, у ўтган давр мобайнида маҳалласи учун кўп ишларни амалга оширган. Куюнчаллиги билан аллақачон элнинг хурмати-қозонган оқсоқолга фу-

қаролар бу гал ҳам яқдиллик билан овоз беришди. — Бугунги сайловчи нафақат фаол, айни пайтда сайлов аҳоли фаоллигида, уюшқоқлик билан ўтказилди. Оқсоқолликка бири-бирдан қолишмайдиган, маҳалла учун елиб-юғурдиган номзодлар кўрсатилган. Сайловчилар бу гал ҳам Сайфиддин Иноятова ишонч билдиришди. Гап шундаки, у ўтган давр мобайнида маҳалласи учун кўп ишларни амалга оширган. Куюнчаллиги билан аллақачон элнинг хурмати-қозонган оқсоқолга фу-

қаролар бу гал ҳам яқдиллик билан овоз беришди. Бунинг сабаби оддий. У ўтган йиллар давомида маҳалласи ва маҳалладошлари учун кўп хайрли ишларни бажаришга улғуриб, одамлар меҳрини қозонди. Ахир бугунги кунда 150 та хўжалик, 230 та оила, 4000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган худудга оқсоқоллик қилиш, оқсоқоллик қилганда ҳам, барчага бирдек муносабатда бўлиш масъулиятли юмуш. Оқсоқол бунуи удрлади: бу сафар ҳам кўпчилик овоз билан ушбу лавозимга сайланди.

(Давоми 2-бетда).

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунчилик палатаси иши шаффофлигини янада оширишга, депутатларнинг профессионал даражасини юксалтириш ишларини давом эттиришга, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигига қаратилган тақдирли чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга ҳам Дастурда алоҳида эътибор қаратилган.

Сийёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз нукталарида қабул қилинган Дастурни амалга ошириш — партияларнинг дастурий мақсадларини ҳамда электрорат манфаатларидан келиб чиқувчи вазифаларни амалга ошириш бўйича назорат функцияларини кучайтириш имконини беради, парламентнинг маълумоти ва маълумотини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг, жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишдаги ролини оширади, деб таъкидлади.

Бунда марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан ҳақуқий самарали парламент назоратини амалга ошириш депутатлардан чукур билим, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларни тушунишни, жамиятда юз бераётган барча жараёнларни чукур таҳлил қилишни талаб этиши таъкидланди.

Муҳокама вақтида баён қилинган фикр-мулоҳазалар

ни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилинган.

Шундан сўнг депутатлар «Геология-қидирув ишларини тақвиль этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқилди. Ҳужжат мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларини, чунончи, «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги, «Чикиндилар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини такомиллаштиришга қаратилган. Тузатишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги Саноатда, қончилик ва мамлакат коммунал-маиший секторидан ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясини қайта ташкил

этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ киритилган. Ҳужжат модда-модда муҳокама қилингандан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул кўмитага топширдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси амалдаги қатор қонунларни «Маънавий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Маънавий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб қилиши тўғрисида»ги, «Архив иши тўғрисида»ги ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган қонунлар нуктаи назаридан такомиллаштиришга қаратилган.

Вақт ўтиши билан бу қонунлардаги айрим тушунчалар эскириб, замонавий талабларга мос келмай қолди, шунинг учун ҳам ўзгаришларга мўхтож. Тузатишлар айрим ҳуқуқий нормалардаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада аниқроқ қўллашга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда ишлаб чиқилган ва парламентнинг қўй палатаси муҳокамага киритилган.

«Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилган

таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси темир йўл транспорти объектларида хавфсизлигини таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи факулдда вазиятлар юзасига келишига йўл қўймайлик мақсадида ишлаб чиқилган.

Ҳужжатни муҳокама этиш чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул кўмитага топширди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сийёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар партия дастурларини ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат юзасидан умумий тарзда ва айрим моддалар бўйича фикрлар билдиришди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг амалий тақлифлар ҳуқуқий ҳужжатларни узил-кесил маромига етказишда ҳисобга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ривожланган баъзи давлатларда оддий мутахассисларга ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда. Айрим мамлакатларнинг яқин келажақда бу борада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Бизда эса ана шундай масала юзасига келмаслиги учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Зеро, ёшлар етуқ кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққиёти таъминланади. Номин юқорида зикр этилган қарорда ана шу жиҳатлар қамраб олинганлиги

## КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

туфайли тизимдаги исплохотлар ангина мазмун касб этиши, шубҳасиз.

Шу ўринда Президент қароридан кўрада тутилган яна бир эзгу мақсад — олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳақидаги бандига ҳам тўхталас. Юқори малакали ўқитувчиларни муносиб рағбатлантириш, педагогик маҳоратини янада оширишга ундаш, уларнинг ўқув жараёнини яхшилашга қўлш ҳиссасини этиборга олиш каби жиҳатлар ҳам касбларимизни янада фаол ва ўз устида тинимсиз ишлашга ундаши, табиий. Зотан, ҳеч қанда сир эмаски, XXI аср — интеллектуал бойлик ҳужумлиқ қиладиган аср. Мақсад, ҳаққаро ҳамжамият ва тараққий тоглан мамлакатлар қаторида бўлишидир. Шу боис бугун мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг бош исплохотчиси, ташаббускори бўлган Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги улкан исплохотлар жаҳон таълим стандартларига мос равишда замонавийлик касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол деб атаймиш муборак неъматдан, Юртбошимиз меҳнат куч олиб, камол топаётган йигит-қизлар ёруқ келажагимиз ағаларибди. Уларнинг баркамол бўлиб улғаймоғи учун қўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик ҳеч қачон беиз кетмайди.

**Баҳоидр ҲАСАНОВ,**  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор.

**Ирода УМАРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

# ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ягона ойна маркази»нинг ташкил этилиши аҳоли учун давлат хизматларини бир жойнинг ўзидан ташкил этиш, ариза берувчи ва давлат идоралари ходимлари ўртасидаги алоқа сони ва вақтини сезиларли даражада қамайтириш имконини туғдири.

Хелен Кларк марказда яратилган шарт-шароит ва қулайликларни, шунингдек, БМТ ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимида қўллаш борасидаги ҳамкорлик самараларини юксак баҳолади.

— Ташкилотимиз билан ҳамкорликда Ўзбекистонда амалга оширилган қўшма лойиҳаларнинг самарали ижроси билан танишганимиздан мамнунимиз, — деди Хелен

Кларк. — «Ягона ойна маркази»да аҳоли учун яратилган қулай имкониятлар бизда катта таассурот қолдирди. Бундай марказларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш борасидаги саясий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиш. Ўзбекистон сўнгги йилларда юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришаётгани бизни жуда қувватлади. Ўзбекистонда барча соҳаларни ривожлантириш йўлида замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани диққатга сазовор. Ушбу марказ ҳам бунинг ёркин мисолидир.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида «Ягона ойна маркази»ни ташкил этиш режалаштирилган. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида жорий йилнинг охиригача Жиззах ва Наманган шаҳар ҳокимликлари қошида «Ягона ойна

маркази»ни барпо этиш юзасидан келишув яратилган қулай имкониятлар бизда катта таассурот қолдирди.

БМТ Бош қотибнинг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларк раҳбарлигидаги делегация, шунингдек, Самарқанд туманининг Гулобод қўғонида жойлашган имконияти чекланган болалар учун иқтисодлаштирилган махсус касб-ҳунар коллежиди таълим жараёнини, ўқувлар учун яратилган шароитлар, Тошкент вилояти, Зангиота туманининг «Чувалчи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудиди қишлоқ врачлик пунктида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан амалга оширилган муқobil энергия манбаларидан фойдаланишга оид қўшма лойиҳа ижроси билан ҳам яқиндан танишди.

Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги ўн йил ичида мамлакатимизда босма нашрлар сони 1,5 баробарга, электрон ахборот воситалари сони 7 баробарга кўпайгани қувончли ҳолдир. Айни пайтда давлат тилидан ташқари яна 7 тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар тайёрланиб, эфирга узатишмоқда.

## Исплохотлар ОАВ нигоҳида

Ўқув семинарида Президентимиз томонидан тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик исплохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини исплох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, Концепцияда белгилаб берилган соҳага доир қонунларнинг роқибда қилиниши ва қабул қилиниши ОАВнинг туртинчи ҳокимият сифатидаги давлат вакили янада ошишига хизмат қилади.

Шак-шубҳасиз, шитоб билан ўзгариётган дунёдаги воқеа ва ҳодисалар, тобора глобаллашаётган жараёнлар, турли-туман ахборотлар оқими кескин кучайиб бораётган давр ҳушёрлики, оғоликни, интеллектуал салоҳиятни талаб этади. Шу боис журналистларимиз истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимизни ҳалқимизга етказишда, жаҳон ҳамжамиятини ундан боқамбар этишда фидокорона меҳнат қилишлари, ўз истеъдодларини миллий манфаатларимизни ҳимоялашга, ўз сўзимизни баралла айтишига сафарбар этишлари лозим.

Ўқув семинарида юртимизда амалга оширилган исплохотлар, ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, жамиятимиз ривожидидаги янгиланишлар ҳусусида маърузалар тингиланиб, миллий журналистиканинг Ватанимиз тараққиёти ва жамиятимиз ҳаётидаги ўрни, мақсад ва вазифалари ҳусусида атрофича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

**Абдували ҚУТЫБДИНОВ.**

# БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ШАҲРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Термиз ҳақида сўз борганда, албатта, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш йўлида астойдил изланиб, меҳнат қилаётган «Наби-жонтранс» масъулияти чекланган жамияти жамоаси амалга ошираётган хайрли ишларга тўхталиб ўтиш жоиз. Жамият яқинда 10 та янги «ISUZU» автобусини сотиб олди. Айни кунларда шаҳарнинг йўловчи тизим йўналишларида қатнаётган бу янги транспорт воситалари хизматидан шаҳарликлар ва меҳмонлар мамнун.

Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандчилигини ошириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Термизда ҳам изчил ишлар олиб борилиб, қўллаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Яқинда Жанубий корейлик тадбиркорлар ҳамкорлигида «Термиз Корея павлод» масъулияти чекланган жамиятида полистилен қувурлар ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда бу ерда яратилган янги иш ўринларида меҳнат қилаётганларнинг аксариятини соҳага иқтисод



Тунги Термиз...

лаштирилган коллежларнинг битирувчилари ташкил этади. Қувонарлики, корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда.

Бу ерда чет эл инвесторлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик янги самаралар бермоқда. Сарможлар илгор технологияларнинг Термизга кириб келиши учун катта имконият яратди. Бугунги кунда, масалан, шаҳарда меҳмонхоналар хизмати ҳар жиҳатдан яхши йўлга қўйилди. Бунди «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари иштирокчилари ҳам эътироф этишди. Бунда, албатта, «Сурхон — Бениф» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси жамоасининг хизмати беқиёсдир. Шунингдек, инвестициянинг

асосий қисми энгил санаотга йўналтирилаётгани соҳа ривожидида бош омили бўлаётди. Чунончи, Термиз шаҳридаги «Сурхон» заводи базасида янги цех очилиб, пахтадан ип, тайёр газлама ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Соҳага берилаётган эътибор туфайли Термиздаги кириб бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят япи маҳсулотидидагулуши 71,6 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу мунохоналар хизмати ҳар жиҳатдан яхши йўлга қўйилди. Бунди «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари иштирокчилари ҳам эътироф этишди. Бунда, албатта, «Сурхон — Бениф» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси жамоасининг хизмати беқиёсдир. Шунингдек, инвестициянинг

жамиятида черепица ва брусчаткалар, ёшлар меҳнат қилаётган «Саддакум» хусусий корхонасида эса алюмин ҳамда профил эшик ва деразалар ромлари ишлаб чиқарила бошланди.

Термиз шаҳрида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва юксалишлар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Шаҳар ҳаётининг қайси жаҳасига назар солсанг, бу ерда ўсиш ва интилиш яққол кўзга ташланади. Ватанимизнинг жанубидаги жаҳоҳири — Термиз шаҳри аҳли мустақилликни мустақамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**  
**Шомурод ШАРАПОВ (суратлар),**  
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

бировнинг меҳнатидан фойдалангани, инсонни қўлга айлантирадиган одамларни ажратилиши ўрганди. Бундай ғамгин воқеа ҳақида мушоҳада юришиб, беҳиётиёр савол туғилди кишида: мана шу меҳнатсевар, ҳаракатчан йигитга ўз жойида

# ЎЙЛАГАНИ САРОБ ЭКАН

орада ўзга юрда яхшигина иш топилгани ваъда қилган «сахий амаки» га дуч келди. Эртасигаёқ у москвалик бойвачанинг далаҳолиси қурилишида ишга киришиб кетди. Аммо бу гал ҳам қисмат уни яна бир кўнгилсизликка йўлиқтирди. «Заовд ва кема-лар соҳиб»и унга ваъда қилганган икки минг «қўй»нинг ўрнига, бор-йўғи, 100 доллар тутқазди. — Мен Россияга кетаётганимда, мана шу қасбим, тажрибам билан теъза ишга жойлашиб, мўмайгина пул топсам керак, деб ўйлагандим, — дейди Филатов. — Бироқ жуда катта ҳато қилган эканман. Энди қўшим ҳаётга бошқача назар билан қарайди. Қисматидан сабоқ олди: ўз манфаати йўлида

иш топилмасиди? Мазлум бўлишига, пойтхатимизда ва республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўёқчи, тош терувчи, сувоқчи каби қурилиш соҳаси мутахассисларига талаб нийҳоятда катта бўлиб, улар яхшигина маш, муқофот олишди. Касал бўлганда ёки бошқа холатларда ижтимоий ҳимоя кафолатланган. Бугунги кунда Тошкент ва бошқа шаҳарларда шахсий уй-жойлар, корхона ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш бўйича жисмоний ҳамда юридик шахсларга олаб турли мулк шаклидаги қурилиш корхона ва компаниялари ўз хизматларини тақдим

этиб келмоқда. Уларда тегишли бўш иш жойлари борлиги, айнақса, эътиборлидир. Шундай қилиб, қарамонимиз ўз Ватанида меҳнат биржасига мурожаат қилганда ёки қурилиш мутахассисликлари бўйича минглаб иш ўринлари ҳақида эълон

берадиган газеталарни кўздан кечириганда, унда иш билан боғлиқ муаммо бўлмас эди. Чет элда ишлаш масаласига келсанг, ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходимларининг айтишича, агар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилинганда, бундай кўнгилсизликлар рўй бермасди. Ушбу муассаса мутахассислари мурожаат қилган йигитга амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдиги меҳнат фаолияти тўғрисидаги низоҳ ҳусусида муфассал тушунирган, ҳорижлик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузиш масалаларида маслаҳат берган бўлур эди. Зеро, ушбу ҳужжатда ёллана-

# ИЖРО ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим шарт

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикада ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширилиши тўғрисидаги конституциявий қонда ҳукумат мақоми, унинг алоҳида ҳуқуқларини, таркибини, қонун чиқарувчи органлар, ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатлари таркибининг белгиланган муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини замон талабларига мувофиқ равишда тубдан яхшилаш бўйича турли чора-тадбирлар янада чукурлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ томонидан қўллаб-қувватланаётган кучли ва адолатли ҳокимият демократик фуқаролик жамиятини, келажаги буюк давлатни барпо этишнинг муҳим шартлари билан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда демократик исплохотларни чукурлаштириш жараёнида давлат ва жамият қурилишига кенг эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик исплохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳам давлат ва жамият қурилишини демократлаштиришда ўзига хос аҳамият касб этди. Унга мувофиқ, Конституциянинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига доир қисмига бир қатор тузатишлар киритиш тақлифи илгари сурилиб, бу «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига

ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан ўзифодасини топди.

Шу ўринда Конституция тўғрисидаги конституциявий қонда ҳукумат мақоми, унинг алоҳида ҳуқуқларини, таркибини, қонун чиқарувчи органлар, ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатлари таркибининг белгиланган муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини замон талабларига мувофиқ равишда тубдан яхшилаш бўйича турли чора-тадбирлар янада чукурлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ томонидан қўллаб-қувватланаётган кучли ва адолатли ҳокимият демократик фуқаролик жамиятини, келажаги буюк давлатни барпо этишнинг муҳим шартлари билан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда демократик исплохотларни чукурлаштириш жараёнида давлат ва жамият қурилишига кенг эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик исплохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳам давлат ва жамият қурилишини демократлаштиришда ўзига хос аҳамият касб этди. Унга мувофиқ, Конституциянинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига доир қисмига бир қатор тузатишлар киритиш тақлифи илгари сурилиб, бу «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига

Президент бошчилигидаги кучли ижро этувчи ҳокимият жамиятимизнинг эски тузумдан янгисига босқичма-босқич ўтиши, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий асослари шаклланишини таъминлаб берди.

Концепцияда илгари сурилган тақлифлар ҳам, ўз навбатида, ҳокимият тармоқларининг мустақиллигини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизmlарини мустақамлашди. Умуман олганда, мамлакатимизда демократик исплохотларни янада чукурлаштириш ва модернизациялашни ривожлантириш жараёнида давлат бошқарувининг барча бўғинларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Энг муҳими, ҳокимиятнинг урта тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фаолиятига доир исплохотлар, уларнинг ҳар бирини ваколатлари кенгайтирилиши бошқарувни демократлаштиришнинг ўзига хос ифодаси, дейиш мумкин. Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат бошқарувини юритувчи асосий институтлардан бири сифатида мустақиллигини таъминлаш, шубҳасиз, давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим шарты ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ижроия ҳокимият ваколатларининг кенгайтирилиши унинг ўз фаолиятида мустақил иш юритиши, амалга оширилаётган исплохотлар тизимида самарали фаолият олиб боришини кафолатлаши билан бир қаторда, унинг парламент ва уни шакллантирган сиёсий партия олдидидаги масъулиятини, фуқаролар олдидидаги устувор вазифаларини рўёбга чиқариш мажбуриятини кучайтиради.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятида ва улар ўртасидаги муносабатда туб исплохотлар амалга оширилди. Мураккаб ва ўта масъул ўтиш даврида

**Б. МАМАЖОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ТАШАББУСКОРЛИК, ФИДОЙИЛИК

## фуқаролар йиғинлари раисларига билдириладиган ишончининг асосий омилдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ марказида бунёд этилган гузар, жиёзон эса одамлар билан ҳаммаша гаувум. Уни барпо этиш учун ўз миллион сўм маблағ сарфланди. Қишлоқ аҳолиси ушбу марказга «Арчазор» деб ном берди. Дарҳақиқат, йўлнинг икки бўйини сарқомат, адл арчалар безаб турибди. Хиёбонга икки гектарлик шафтолизор туташиб кетган. Бу ҳам маҳалла тасарруфида. Беш йил муқаддам ҳашар йўли билан бунёд этилган гузар боғ эндиликда ҳосилга кирди. Ундан олинаётган даромад маҳалла ободончилиги, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланапти. Масалан, ўтган йилги даромад ҳисобига бу ердаги 29-мактабнинг спорт зали ва ошхонаси таъмирлаб берилди. Яна микроавтобус ҳам сотиб олинди.



# СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

## баркамоллик ва маърифат байрами



Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб, сабоқ олган ўғил-қизларимиз бугун жаранг-лайдиган сўнги кўнғироқ садоси остида мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Уларнинг дилида бир олам эзгулик жўш урмоқда. Бу — табиий. Зеро, бу ёшлар истиқлол йилларида туғилиб, озод ва обод Ватанимизнинг ёруғ истиқболига интилаётган навқирон фарзандлардир.

Хар бир мамлакат тараққиёти, қўлга киритаётган ютуқлари ундаги таълим тизимининг қай даража ривожлангани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти шу заминда камол топаётган ўғил-қизларнинг озу-қасвлари, интилишлари, билим олишга бўлган қизиқишлари билан чамбарчас боғлиқ.

бунга асосий сабаб қилиб, ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига беэътиборлиги кўрсатилади. Шу маънода, биздаги таълим-тарбия, оила муҳити ва фарзандларимизнинг миллий қадрият, маънавиятимизга бўлган ҳурмати-га дунёнинг кўпгина халқлари ҳавас қилса, арзийди. Бугун ҳаммамиз кўриб, билиб, англаб турибмизки, баъзи давлатларда одамлар боласини ўқитиш у ёқда турсин, ҳатто уни тузукроқ кийинтириш, оқватлантириш ғамида кун кечирмоқда. Турли сиёсий тўқнашувлар, табиий офатлар, очарчилик, сув танқислиги каби залотлар авж олган бугунги бесаранжом дунёда тинчлик ва фаровонликда, ёруғ ва шинам илм масканларида билим олиш, касб-хўнар танлаш имконига эга бўлган фарзандларимиз тизимсизда эзгу оруз-умидларимиз рўёби нишонасини кўрмоқдамиз.

ратория хоналари 6896 тага, биология хоналари 6896 тага, улардаги спорт заллари 4675 тага етди. Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, агар 2004 йилда республика бўйича, бор-йўғи, 1213 та умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан таъминланган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай имкониятга эга мактаблар сони 5 мингтадан ортдиқдир.

Ўқувчиларда билим олишга бўлган рағбатни кўчатириш, болалар қалбида китобга меҳр уюштириш мақсадида 1-синф ўқувчиларига ҳар йили янги дарсликлар Президент совғаси сифатида бериб берилмоқда. 2, 4-синф дарсликлари ҳар йили 2, 4-синф ўқувчиларига ҳар йили янги дарсликлар Президент совғаси сифатида бериб берилмоқда. 2, 4-синф дарсликлари ҳар йили 2, 4-синф ўқувчиларига ҳар йили янги дарсликлар Президент совғаси сифатида бериб берилмоқда.

Шу кунларда республикамиздаги барча халқ таълими ходимлари, таълим муассасалари энг улуг, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 20 йиллигига юксак муваффақиятлар билан нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Ана шундай тарихий фурсатлар арафасида бу йил жами 9772 та умумтаълим мактабини битираётган ўқувчиларимизга омаду бахт ёр бўлишини истаймиз.

**Бу кунларга ўз-ўзидан эришилмаган, албатта. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлар асосида яратилган, жаҳон тажрибасида "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, миллий аъёнларга ва илгор хорижий аъёнларга асосланган малакали қадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлиги билан бугунги кунда мамлакатимизнинг ёрқин келажagini қуришда ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.**

Ҳамма нарса таҳлил ва таққосда билинади. Бу борада қўлингизни ишлар салмоғини аққол тасаввур этиш учун мактабларимизнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланшига доир қуйидаги рақамларни келтириш киёфия: мавжуд таълим муассасалари миқдорига нисбатан физика лаборатория хоналари сони 7149 тага, кимё лабо-

ратория хоналари 6896 тага, биология хоналари 6896 тага, улардаги спорт заллари 4675 тага етди. Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, агар 2004 йилда республика бўйича, бор-йўғи, 1213 та умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан таъминланган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай имкониятга эга мактаблар сони 5 мингтадан ортдиқдир.

Шу кунларда республикамиздаги барча халқ таълими ходимлари, таълим муассасалари энг улуг, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 20 йиллигига юксак муваффақиятлар билан нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Ана шундай тарихий фурсатлар арафасида бу йил жами 9772 та умумтаълим мактабини битираётган ўқувчиларимизга омаду бахт ёр бўлишини истаймиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**М**амлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида улкан охишотлар амалга оширилди. Хусусан, касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар қуриш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли янгиланишлар эътиборга лойиқ.

Янгидан барпо этилган ва реконструкция қилинган билим қошоналарининг компьютер техникалари ва мультимедиа ускуналари билан тўлиқ жиҳозланиши, уларнинг ҳар бирида спорт иншоотлари барпо этилиши бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салохияти ва ижодий қобилиятини оширишга, маънавий юксалиши ва жисмонан ривожланишига хизмат қилмоқда. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш энг муҳим масалалардан бирига айлангани мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва уларга билдирилётган юксак ишончнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш заиф бўлишига қўлаётгани, бу масала, кўп жиҳатдан, уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишимизга боғлиқлигини, муайян корхона ҳамда иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тартибасини, доимий амал қилайдиган «корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

— Юртбошимизнинг бу кўрсатмалари, йўл-йўриқлари асосида иш фаолиятимизни яхшилаш, хусусан, таълим сифатини тубдан ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташқилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди, — дейди Навоий инфоформатика ва электрон санонат касб-хўнар коллежи директори Феруза Идиева. — Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича халқ таълими бўлими билан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Шу кунга қадар коллежда 4 марта ўтқа-

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИННИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

зилган очик эшиклар кунга тадбирчилари шитирик эди. Бундан ташқари, 5 марта ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари, очик мулоқотларда 680 нафар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қатнашишди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда амалиётини ташкил этиш учун вилоят алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Навоий-телеком» филиали, «Навоий почтаси», Навоий радиотелевизион узатиш маркази, ахборот-кутубхона маркази, молия бошқармаси, тижорат банклари, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонада ташкил этилган «Telekom innovation», «Uzraecable», «UzMinda» қўшма корхоналари каби 24 та иш берувчи корхона ва ташқилотлар масъул этиб бириктирилди. Иш берувчилар билан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида вилоят алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 12 нафар мутахассиси коллежга дарс бериш учун жалб қилинди. Шу билан бирга, «Навоий почтаси», «Навоийтелеком» филиалининг Кармана тумани телекоммуникациясида ўқув амалиётлари учун алоҳида хоналар ташкил этилди.

Бугунги кунда эса коллежнинг иккинчи, учинчи босқич ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш ҳамда «устоз — шогирд» аъён-насибга таянган ҳолда, бириктирилган корхона ва ташқилотлар билан ҳамкорлик шартномалари тўлиқ ўрнатилган. Уларга асосан, жорий йилда коллежини битириб чиқиши қўлаётган 477 нафар ўқувчининг 445 нафари мос йўналишдаги вилоятдаги корхона ва ташқилотларга, 22 нафари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилади. Яна 10 нафар ўқувчи

педагог кадрлар таълим-тарбия бериш келмоқда. Ишлаётган ўқувчиларнинг 12 нафари илмий даражага эга. Ўқувчиларнинг тўқсон фоизи ўз мутахассислиги бўйича малакасини оширган.

Касб-хўнар коллежида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг бугунги замон талаби асосида янги педагогик технологиялардан фойдаланиб таълим бериш учун 6 та компьютер синфи, мультимедиа ва проектордан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Коллеж ўқувчиларига амалий ёрдам бериш ва уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Навоий давлат кончили институтини, Навоий давлат педагогика институтини ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг кафедралари билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

— Ушбу олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда бизнинг ўқувчиларимизга услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, электрон адабиётлар ва илмий ишлар олиб бормоқда, — дея амалга оширилаётган ишларга бир-бир тўхталади коллеж директори. — Коллежимизда ўқувчилар учун ташкил этилган курсларда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқувчиларини дарс бериш ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар. Навоий давлат педагогика институтини ва Навоий давлат кончили институтларини ўқувчиларимиз ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан коллежимиз

Масалан, коллеж ўқувчилари 2010 — 2011 ўқув йилида «Хуқуқ билимдони» курик-танловда республикада биринчи, «Энг яхши инновацион фикрлаш» танловда эса учинчи ўринни, «Келахак овози» кўрик-танловда ахборот технология йўналиши бўйича икки нафар ўқувчи биринчи ўринни эгаллади. 18 нафар ўқувчининг вилоят терма жамоаси таркибиде «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этди.

Коллежда ўқувчиларнинг билим олиши, ўзлари танлаган соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб етишилари учун барча имконият мавжуд. Германия ҳамкорлик лойиҳаси асосида жиҳозланган компьютер синфлари, биология, физика ва кимё лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази ва унда жойлашган электрон кутубхона, тренажёрлар билан жиҳозланган спорт зали, 100 ўринли ётоқхона ўқувчилар хизматига.

Суҳбат якунида коллеж директори Феруза Идиева истиқболдаги режалари ҳақида гапириб берди. Унинг фикрича, 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича мактаб ва коллеж ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтириш, меҳнат бозорини қўлаётган эҳтиёж асосида коллежда янги мутахассислар тайёрлаш, коллеж ўқувчиларига амалиёт даврида иш ҳақи тўлашни йўлга қўйиш, икитудларини ўқувчилар учун бириктирилган корхона ва ташқилотларнинг стипендияларини жорий этиш айти мудири.

Интилувчан, изланувчан мутахассис бошқараётган касб-хўнар коллежи жамоаси бугун айнан шу мақсад йўлида ҳаракат қилмоқда. Бу эса бошқалар учун ибрат бўлгуликдир.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ МАВСУМИ

**Баҳор оёқлаб, ёзнинг иссиқ кунлари бошланиши билан ўз-ўзидан болажонларнинг ёзги таътили билан боғлиқ ўй-фикрларимиз ҳам жонланиб қолади. Ўқувчиларнинг ёзги таътил мавсумида мароқли ҳордиқ чиқаришлари, саломатликларини тиклашларида оромгоҳларнинг ўрни беқиёс. Қолаверса, ёздаги мароқли ҳордиқ, табиат қўйнига уюштирилган саёхатлар улар қалбида она-Ватанга, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни ошириш баробарида дунёқарашини бойитишга, дўстлар орттиришига имкон яратади.**



Шу боис ҳозирданоқ мамлакатимизда болалар ёзги оромгоҳларини мавсумга ҳозирлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилда республикамиз бўйича 817 та ёзги болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, унда 250 минг нафар ўқувчининг дам олиши режалаштирилган. Уларнинг 221 таси шаҳар ташқарисиде жойлашган бўлса, 595 таси қундузги оромгоҳлардир. Мазкур муассасаларда болаларнинг дам олиши, турли маданий-маърифий машғулотлар, мусобақа ва кўрик-танловларда иштирок этишлари учун барча шароит яратилган. Ҳозир қундузги оромгоҳлар ташкил этиладиган таълим муассасалари аниқланиб, барча тайёргарлик ишлари махсус гуруҳ томонидан назоратдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, республика

миқёсида ўтказилган «Билим-донлар синови»да юқори натижаларга эришган ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш мақсадида республика миқёсида 15 та «Ёзги интеллектуал оромгоҳ» ҳам мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

Ёзги болалар оромгоҳларига 3700 нафарга яқин педагог-ҳодимлар, тарбиячи ва етакчилар жалб этилган бўлиб, улар ўқувчиларнинг дам олишларини тўри ташкил этиш, маданий ва маърифий тадбирлар уюштириш ҳамда унга ўқувчиларни жалб этиш борасида махсус ўқув машғулотларини ўтатмоқдалар. Оромгоҳларда таътил этиладиган кўма кутубхоналар ўша худудлардаги таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фон-

дидан фойдаланилган ҳолда бойитилди ҳамда 84893 та турли мавзудаги адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар билан таъминланди. Белгиланган режага асосан, оромгоҳларда болаларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун турли спорт-соғломлаштириш машғулотлари, кўрик-танловлар, фес-тиваллар ўтказилиши, тарихий шаҳарлар, муқаддас қадимжоларга саёхатлар уюштирилиши кўзда тутилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий. Ҳўш, оромгоҳларга жалб этилмай қолган болаларнинг бўш вақтлари қандай банд бўлади?

Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 221 мактабдан ташқари таълим муассасалари, 432 та болалар ва ўсимирлар спорт

мактаблари мавжуд бўлиб, уларга 1,6 минг нафардан зиёд ўқувчи жалб этилади. Қолаверса, спортнинг 9 тури бўйича ўтказилган «Ёзги таътил — 2011» спорт мусобақаларида ҳам 2,5 миллиондан зиёд ўқувчининг қатнашиши кўзда тутилган. Ушбу мусобақаларда жараёнда болалар спортини ривожлантириш жамағармаси томонидан қурилган спорт иншоотлари билан биргаликда академик лицей ва касб-хўнар коллежлари залларидан ҳам унумли фойдаланилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Оролбўйи минтақаси болаларининг дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**  
Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари.

## Фестиваль

**Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Истиқлол умидлари» деб номланган фестивал бўлиб ўтди.**

## «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ»

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташқилотлар томонидан уюштирилган ушбу тадбирда умумий ўрта, ўрта махсус таълим даргоҳларининг ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари иштирок этди.

Энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишланган мазкур фестивалдан қўзланган мақсад, юртимизда баркамол авлод тарбияси, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга кенг ва атрафлича тушуниришидир. Тадбир доирасида ўқувчи-ёшларнинг ижодий-интеллектуал қобилиятини намойиш этишга яқиндан қўмақлашиш, болаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун шароитлар яратиб бериш, шунингдек, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фестиваль доирасида ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, маънавият тарғиботчилари ҳамда спорт устасалари билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбир ижрочи ёшлар ва санъат усталарининг концерт дастури билан якунланди.

**Шаҳноза АҲМЕДОВА.**

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
**«Ўзсаноатқурилишбанк»**  
**очик акциядорлик тижорат банки**  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчасида қурилган мўлжалланган ўй-жой мажмуасини қуриш учун мўкинмал салоҳиятга, қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибига, етарли мутахассислар ва меҳнат ресурсларига ҳамда ишлаб чиқариш базасига эга бўлган пудратчи ташқилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**  
Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотларни қуйидаги манбадан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-371) 120-36-16. Факс: (8-371) 120-36-16. Ички телефон: 31-03.  
Тижорат тўлиқларни қўрсатишдан нарҳлар билан алоҳида конвэртта лойиҳа қарома муди билан муҳаббатимиз ҳамда 2011 йил 28 майга қадар қабул қилинади.  
Баҳш даражасида савдолган аломат!

**Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигини ҳузурдаги**  
**Чет элга кетаётган фуқароларни кўнаб кетишдан олдинги**  
**мослаштириш ва ўқитиш маркази**  
Корея Республикасининг эркин Ёллада тизимини талабаларидан келиб чиққан ҳолда, тест синавларида иштирок этиш истиқолида бўлган республикамиз фуқароларининг 100 вақтинчи ўқув қўрсатмалари тасдиқ этилди.  
Марказда қўрс кўришларининг ётоқхона билан таъминлаш имконияти мавжуд. Ўқув дастурларини муваффақиятли тамомлаган фуқароларга сертификат берилади.  
**Ўқиб-ўқув қўрсатмаларида қатнашувчи фуқаролар диктатига!**  
Чет элга кетаётган фуқароларни кўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш маркази фуқароларининг тест синавларини ўтатиш ва Корея Республикасига йиллаш учун юбераниш қарорларини берилади.  
Ўқув қўрсатмалари 2011 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри, Стамбул тумани, Қамараниса кўчаси, 1-ўйда жойлашган марказ биносида ташқил этилади.  
Маълумот учун телефон: (8-371) 6ки +998371) 248-07-82.  
Марказ лойиҳалашти.

**ОБ-ҲАВО** (25 май)  
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 15-20, қундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.  
**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши қутилмоқда. Тунда 17-22, қундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.  
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши қутилмоқда. Кечаси 18-23, қундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.  
**Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши қутилмоқда. Тунда 16-18, қундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 16-18, қундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.  
**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мультимедиа қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
1-Тижорат материал  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Топширилди — 03.40 1 2 3 4 5

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбидинов.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.